## ТУРКМАН САНЪАТИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида «Туркман тасвирий ва анъанавий санъати» мавзуида кўргазма очилди.

Кўргазма асосан X1X-XX асрлар туркман амалий санъати асарларидан иборат. Булар гиламлар, анъанавий тўқимачилик намуналари ва кийим-кечаклар, бош кийимлар, Туркманистоннинг турли ҳудудлари заргарлик буюмларидир.

Туркман гиламлари жаҳонда жуда машҳур. Кўргазмага ташриф буюрганлар туркманлар учун гилам гўзаллик, меҳр ва бахт мезони эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлади.

Шунингдек, кўргазмада турли матолар намойиш этилмоқда, туркман заргарлик буюмлари билан ҳам танишиш мумкин.

Кўргазмадан Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтини битирган туркманистонлик қатор мўйқалам усталарининг ижодий ишлари ҳам ўрин олган.

*Ўзбекистон – умумий уйимиз*

**Помуқ-Қашқадарё вилоятининг чекка қишлоқларидан бўлиб, бу ерда 15 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Асосан туркманлар яшайдиган бу ҳудудда чорвачилик билан бирга деҳқончилик ҳам ривож топган.**

# ПОМУҚДА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Помуқ қишлоғига кириб боришингизда улкан тут дарахтига кўзингиз тушади. Помуқликларнинг таъкидлашларича, ушбу дарахтнинг экилганига 150 йилдан ортиқ вақт бўлган. Буюк Ипак йўлида жойлашган бу ҳудуд орқали карвонлар тўхтаб ўтадиган макон бўлганлиги учун бу ерда экилган 7 та тут дарахтининг ёнида 7 ҳовуз бўлиб, йўловчилар дам олиб ҳордиқ чиқаришган. Кейинчалик вақт ўтиши билан экилган тутлардан атиги 1 тупи қолган. Қудуқлар эса кўмилиб кетган. Айтишларича, ушбу тут дарахтини «паловхўр тут» деб ҳам аташаркан. Негаки, бу тутни эккан отахон келаётган меҳмонларга дастурхон очиб, ош дамлаб берган. Шу-шу асрлардан гувоҳ берувчи бу дарахт «паловхўр тут» номини олган.

Яқинда Помуқда бўлганимизда ажойиб тантанага шоҳид бўлдик. Баҳористон иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтказилган дўстлик учрашувида ўзбек ва туркман тилларида янграган куй-қўшиқлар барчани лол қолдирди. Коллежнинг ижодкор ўқитувчиси Асад Сафаровнинг «Умидли дунё» китоби тақдимоти бўлиб, шеърларидан намуналар ўқилди. Хусусан, ҳамқишлоқларига бағишланган «Помуқ» қасидаси кўпчилик эътиборига тушди.

Бугунги кунда илм даргоҳида 7 йўналиш бўйича 450 нафар талаба таҳсил олишмоқда. Шу куни ўтказилган дўстлик фестивалида «Баҳористон гуллари» санъат дастаси ижрочилари ўзбек ва туркман тилларида қўшиқлар айтиб, икки халқ ўртасидаги биродарлик ва дўстликни тараннум этдилар. Меҳнат фахрийси Нурмамат Рустамов, «Чаманзор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Амир Хўжанов, «Чандир» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Атавулла Тўраевлар сўзга чиқиб, икки халқ дўстлиги ҳақида илиқ гапирдилар.

Шуни ҳам алоҳида эътироф этиш керакки, Помуқ чўлларига туташиб кетган «Аланг», «Зеварда», «Кўкдумалоқ» газ конларидан олинаётган нефт маҳсулотлари мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамламоқда. Бир неча йилдан буён меҳнат қилаётган Бўрон Рўзиев асли туркман фарзанди. У айни пайтда Муборак газ конлари бошқармасида самарали меҳнат қилиб, муносиб тақдирланди. Унинг кўксини «Ўзбекистон Қаҳрамони» олтин юлдузи безаб турибди. Ҳа, бу юксак унвонга ўзининг фидокорона меҳнати билан эришган Бўрон оға айни пайтда ёшларга устозлик қилмоқда.

**С.ШАВКАТОВ**



**Суратларда: 1.«Ўзбекистон Қаҳрамони» Бўрон Рўзиев; 2.«Муборак кони» раҳбари Ойбек Абдуллаев, муҳандис Рафаэл Ҳамроев ҳамда касаба уюшма қўмитаси йўриқчиси Марат Шоҳимардоновлар ғалдаги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.**

**Нурбек СУЛТОНОВ олган суратлар**

*Хабарлар оқимидан*

## БОЛАЛАР СЕВГАН ЎЙИН

Ўзбек миллий спорт турларидан бири ҳисобланган ланка ўйинига айниқса, болакайлар қизиқиш билан ёндошадилар. «Ўзбектелефильм» сутдиясининг режиссёри Эргаш Нормуродов томонидан янги яратилган ҳужжатли фильм айнан болалар севган шу ўйингга бағишланади.

«Ланка ўйини» деб номланган мазкур экран асари қизиқарли лавҳаларга бой. Юмористик тарзда акс этган ўйин жараёнлари ҳам томошабин эътиборини ўзига тортади.

Ушбу постановка орқали ланка ўйинининг ўзига хос афзалликлари, киши соғлиғи учун фойдали томонларини билиболиш қийин эмас. Студия республикамизда болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида яна қатор фильмларни суратгаолишни режалаштирди.

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАГА ТАРАДДУД

Келгуси 2005 йилда Японияда очиладиган халқаро кўргазма Марказий Осиё билан кунчиқар мамлакат халқлари ўртасида қарор топган дўстлик ва маданий алоқалари намойишига айланади. «Ўрта Осиё ва Япония» деб номланган мазкур нуфузли экспозиция экспонатлари ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ушбу йирик маданий тадбир олдидан қатор ҳайрли ишларга қўл урилди. Марказий Осиёга бағишланган энциклопедик нашр тайёрлашга ҳам киришилди. Бир гуруҳ япон мутахассис олимлари изланиш билан юзага келадиган мазкур китобга Япониядаги Соко университети профессори Кисао Комацу муҳаррир этиб тайинланди.

Бу япон тадқиқотчиси Марказий Осиё тарихининг билимдони сифатида ҳам яхши танилган. Шу сабабли у республикамизга ташриф буюриб, Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида қизиқарли маърузалари билан чиқди. Талабалар билан уюштирилган давра суҳбатлари ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

## ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Ўзбекистонда тасвирий санъат миллий фестивали давом этмоқда. Ушбу маданий тадбир доирасида ташкил этилган картиналар кўргазмаси эса томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Мамлакатимизнинг кўзга кўринган мўйқалам усталарининг энг яхши асарларидан ташкил топган мазкур экспозицияни Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси уюштирди.

Бу қизиқарли кўргазма ниҳоясига етган куни катта давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда кўргазмани намойиш қилиш давомида амалга оширилган маданий тадбирлар сарҳисоб қилинди.

«XX аср Марказий Осиё тасвирий санъати: анъаналар, муносабат, мулоқотлар» деган номда янги чоп этилган китобнинг тақдимоти ҳам ташкил этилди.

Ушбу кўргазмани Россия Федерацияси пойтахти Москвада ҳам кўрсатиш тараддуди кўрилмоқда.

## АНСАМБЛ АМЕРИКАГА БОРАДИ

«Олтин мерос» халқаро жамғармаси ҳузурида рақс ансамбли ҳам фаолият кўрсатмоқда. «Муножот» деб номланган бу ижодий гуруҳ томонидан кўрсатилаётган томошалар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Ансамбл янги тайёрлаган концерт дастури устида жиддий иш олиб борилди. Унинг дастлабки томошабинлари Тошкентдаги биринчи мурувват уйи тарбияланувчилари бўлишди.

Меҳр ва мурувват йилига бағишланган мазкур томоша халқ ижодий меросидан ўрин олган жозибали қўшиқ ва лапарларни ўз ичига олди.

Ушбу дастур янги тароналар билан бойитилади. Шундан сўнг «Муножот»чилар Американинг «Нью-Йорк шаҳрида ўтказиладиган халқаро маданий кўргазма кунларида ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш этадилар.

**А.АЛИЕВ**

*Футбол*

**Мана, ниҳоят, 2006 йилда Германияда ўтказиладиган Жаҳон чемпионатига йўлланма берувчи биринчи босқич – Осиё қитъаси гуруҳ баҳслари поёнига етди. Ўзбекистон терма жамоаси ўз олдига қўйилган минимум вазифани сафарда Ироқ билан кечган ўйинда уддалаб қўйганлигидан, албатта, хабарингиз бор. Шу боис Хитой Тайпейи билан бўладиган сўнгги тур учрашувининг якуний турнир жадвалига ҳеч қандай таъсири йўқ эди. Табиийки, ўйин ҳам шунга яраша мазмун касб этди.**

# БИРИНЧИ БЎЛИМГА – «5» БАҲО!

## лекин иккинчи бўлим ҳақида нима дейиш мумкин?

Суриялик ҳакам Мухсин Басманинг хуштаги чалиниши биланоқ майдонда тўп сураётган жамоаларнинг қай бири фовариту, қай бири аутсайдер эканлиги маълум бўлди-қолди. Кечроқ ташриф буюрган томошабинлар жойлашиб ўтириб олмай туриб, стадионни қувончли ҳайқириқ тутиб кетди. Жуда тезкорлик билан амалга оширилган комбинация натижасида Александр Гейнрих меҳмонлар дарвазабони Лю Кун Жини тўпни тўрдан олиб чиқишга мажбур қилди.



Ҳисоб очилди! Энди мухлислар терма жамоамизнинг ҳар бир ҳужумидан гол кута бошлашди. Ва айтиш мумкинки, ҳеч қанча фурсат ўтмай уларнинг башоратлари ижобат бўла бориб, бирин-кетин голлар ёмғирини кўришга мушарраф бўлдик. Жамоа сардори Миржалол Қосимов иккинчи тўпни дарвазага киритган бўлса, Максим Шацких пеналтини аниқ бажариб, ҳисобни 3:0 га етказди. Кейин эса Л.Кошелев ва яна М.Қосимов кетма-кет икки голга муаллифлик қилишди.

Шу тариқа биринчи бўлим 5:0 ҳисобида бир томоннинг шак-шубҳасиз устунлигини намоён қилган ҳолда ўз якунига етди. Тўғриси, тажрибали ўйинчилар олиниб, уларнинг ўрнига ёш футболчилар туширилади, деб ўйлагандик. Чиндан ҳам тайм бошидаёқ биринчи алмашинув юз берди. Марказий ҳимоячи Бахтиёр Ашурматов ўз ўрнини ярим ҳимоячи Темур Копадзега бўшатиб берди. Бу мураббийлар ҳужумни янада кучайтиришга қарор берганларидан дарак бергандек эди. Меҳмонлар ҳам иккинчи таймни янги дарвазабон билан бошлашди.

Сониялар бир-бирини қувиб, дақиқаларга айланиб бораверди-ю, аммо негадир эпақали ҳужум уюштирилмади. Нисбатан қулай деб аташ мумкин бўлган вазиятлар ҳам чиппакка чиқди. Орадан ўн беш дақиқа ўтди. Ва ниҳоят 16-дақиқада меҳмонларимиз илк бор Е.Сафонов қўриқлаётган дарвозага тўпни аниқ йўналтирдилар. Буни хатто томошабинлар ҳам ҳайрихомуз олқишлаб қўйишди. Лекин бу ҳали холва эканлиги уч дақиқа ўтар-ўтмас маълум бўлди. Марказдан, айнан Б.Ашурматов позициясидан дарвоза томон ёриб кирган меҳмонларимиз биринчи жавоб тўпини киритдилар.

Энг қизиғи, ўйиннинг боришига ва мантиқига зид туғилган бу голдан кейин терма жамоамиз хатти-ҳаракатида аллақандай эскидан таниш пала-партишлик кўзга ташланди. Шундай кучсиз жамоа билан-а? Наҳотки? Во ажабо! Ҳам савол, ҳам таажжуб аралаш саволларга жавоб эса ҳадеганда топилавермади. Чиндан ҳам бу кишини ҳайратга соладиган ҳолат эди. Ҳамма ушбу учрашув тақдири биринчи бўлимдаёқ ҳал қилиб бўлинганини билиб турса-да, футболчилар нега ўйнамай қўйганликларини, яна ҳам тўғрироғи, ўйнолмай қолганлари сирини билолмай ҳайрон эди. Яна икки алмашув—Владимир Шишилов ва Марат Бикмаевнинг майдонга тушурилиши ҳам ҳеч қандай ўзгариш ясамади. Ҳайриятки, 83-дақиқада тиниб-тинчимас Миржалол Қосимов ушбу учрашувда ўзининг хеттрикини нишонлаб, томошабинларни стадионни норози кайфиятда тарк этишдан асраб қолди.

Нега шундай ҳол юз берди? Нима, бу мураббийларнинг ўзига хос тактикасими ёки футболчиларнинг масъулиятсизлигими? Лоақал ушбу ўйин 2004 йилнинг энг сўнгги халқаро учрашуви эканлигини, мухлислар келгуси баҳоргача ўз севимлиларини кўрмасликларини инобатга олиш керак эди. Афсуски, ундай бўлмади.

Шу ўринда бир гап. Мураббийлар ушбу ўйинга Қаршининг «Насаф» ҳужумчиси Зафар Холмуродовни ҳам жалб қилганлари ҳолда негадир уни майдонда синаб кўришни ўзларига эп кўрмадилар. Бизнингча, жароҳати ҳали тўла тузалмаган Шишеловдан кўра Зафарни синаб кўриш фойдалироқ эди. Ҳар ҳолда эртани ҳам ўйлаш керак-ку...

Яна бир мулоҳаза. Чамаси «Пахтакор»нинг уч футболчиси – Кошелев, Кирян, Копадзе бугунги миллий терма жамоа талаблари даражасида ўйин кўрсата олмаётир. Маҳорат бобида ҳам, тажриба борасида ҳам улар бошқа шерикларидан анча орқада қолиб кетгандек таассурот уйғонмоқда. Мураббийлар ана шу масала устида ҳам бош қотирсалар ёмон бўлмасди. Чунки олдинда бундан-да масъулиятли учрашувлар турибди. Шу йил 9 декабрда келгуси йилнинг энг йирик халқаро турнири – гуруҳ ғолибларининг навбатдаги рақиблари қайси жамоалар бўлишини аниқлаб берувчи қуръа ташлаш маросими бўлади. Ўзбекистон қайси термалар билан бир гуруҳни ташкил қилади? Ҳадемай биз буни билиб оламиз.

Гуруҳ ғолиблари орасида: Саудия Арабистони, Баҳрайн, Корея Халқ Демократик Республикаси, Жанубий Корея, Япония, Эрон каби кучли жамоалар бор. Улар икки гуруҳга бўлинган ҳолда Жаҳон чемпионатига бориш ҳуқуқини берувчи 4,5 та йўлланма учун кураш олиб борадилар. Соддароқ қилиб айтганда, гуруҳда биринчи-иккинчи ўринни олган тўрт жамоа тўғридан-тўғри йўлланма эгасига айланади. Сўнг гуруҳда учинчи ўринни банд этган термалар ўзаро учрашиб, ғолиб чиққан жамоа Марказий Америка вакили билан орани очди қилиш учун жангга киришади. Шундай қилиб муваффақият қозонган команда ўзига берилган ярим имкониятни бутун қилиб олади.

Кўриниб турибдики, имконятлар етарли. Ҳамма гап ундан қандай фойдаланишда. Бунинг учун ҳал қилувчи турнирга яхши спорт формасида, энг кучли таркиб билан етиб бориш талаб этилади. Ўйлаймизки ва умид қиламизки, Равшан Ҳайдаров ҳамда Юрген Гёде миллионлаб футбол ишқибозлари интиқиб кутаётган ушбу ғалабани бизга тортиқ этадилар.

**З.РИХСИЕВ**

**Якуний жадвал**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.Ўзбекистон** | **6** | **5** | **1** | **0** | **16-3** | **16** |
| 2.Ироқ | 6 | 3 | 2 | 1 | 17-7 | 11 |
| 3.Фаластин | 6 | 2 | 1 | 3 | 11-11 | 7 |
| 4.Хитой Тайпейи | 6 | 0 | 0 | 6 | 3-26 | 0 |

## ҚИЛИЧБОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Пахтакор» спорт мажмуида қиличбозлик бўйича Ўзбекистон кубоги учун очиқ мусобақа давом этмоқда.

Рапирачилар баҳсида ўн саккиз нафар спортчи ғолиблик учун куч синашди. Финалга чиққан андижонлик Рустам Дўстмуҳаммедов ҳамда пойтахтлик Искандар Баширов ўртасидаги баҳс 15:12 ҳисобида Андижон вакили фойдасига ҳал бўлди.

Қолган совринли ўринлар Тошкент шаҳри вакиллари - Рустам Иброҳимов ҳамда Ҳожиакбар Каримовга насиб қилди.

Аёллар ўртасидаги баҳслар қизғин давом этмоқда.

## РУСЛАН ЯНА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Профессионал бокс бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ўта оғир вазнли чарм қўлқоп устаси - Руслан Чагаев навбатдаги ғалабасини нишонлади.

Германиянинг Куксхавен шаҳрида ташкил этилган бу галги жангда ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Хорватия вакили Асмир Войнович билан куч синашди. Беллашувда Русланнинг аниқ ва кучли зарбалари хорватиялик боксчини анча қийин аҳволга солиб қўйди. Оқибатда Асмир Войновичнинг мураббийлари тўртинчи раундда рингга оқ сочиқ ташлаб, ўз шогирдининг мағлубиятини эътироф этишди.

Профессионал рингдаги дастлабки жангини 1997 йилнинг 21 августида ўтказган Руслан Чагаев бугунги кунда кам сонли енгилмас профессионал боксчилардан ҳисобланади. У ўн беш жангдан ўн тўрттасини ўз фойдасига ҳал қилган, бир учрашувда дуранг натижа қайд этилган, ўн икки жангни муддатидан олдин якунлаган.

**(ЎзА)**

*Оммавийликдан маҳорат сари*

## СУПЕРМАРАФОН

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 12 йиллигига бағишланган Бутунўзбек марафонини ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Оммавийликка хизмат қилувчи супермарафон мусобақалари 23 ноябрда бошланиб 5 декабрда ниҳоясига етади. У тўрт босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда қишлоқ ва маҳаллалар аҳолиси қатнашади. Кейинги босқич туман маркази томон йўл олса, учинчи босқичда туман вакиллари вилоят маркази томон марафонни давом эттирадилар. Ва ниҳоят, сўнгги босқичда вилоят терма жамоаси (12 кишидан иборат) вакиллари пойтахтимиз томон марафонча югурадилар. Шу тахлит бутун республика бўйлаб югуриш мусобақалари давом этиб, у уч йўналишда олиб борилади.

Нукус, Хоразм, Бухоро, Самарқанд. Жиззах, Гулистон, Тошкент -биринчи йўналиш бўлса, Термиз, Қарши тарафлардан йўлга тушган марафончилар иккинчи йўналишни ташкил этади. Андижон, Наманган, Фарғона, Ангрен йўллари бўйлаб учинчи йўналишда марафон югуришлари бўлиб ўтади. Марафон давомида юзлаб енгил атлетика мухлисларининг супермарафонга қўшилиши кутилмоқда.

Вилоятлардан йўлга тушган марафончилар 4 декабр куни пойтахтга етиб келадилар. 5 декабр куни сўнгги ҳал қилувчи баҳслар 12 километрлик Масофада Тошкент кўчалари бўйлаб ўтказилади. Марафоннинг финиши Амир Темур хиёбони қилиб белгиланди.

**А. МАМАЖОНОВ**



**Жаъфар Абубакр Шиблий Шарқнинг буюк авлиёларидандур. Унинг ота-боболари асли ўратепалик бўлиб, кейинчалик Бағдодга кўчиб боришган. Шиблий 861 йили шу ерда таваллуд топган. Отаси Юнус Аббосий халифаларнинг хос ҳожиби бўлган. У Ҳайри Нассождан таълим олиб хирқа кийган, Жунайд Бағдодийнинг суҳбатидан файз топган.**

# АБУБАКР ШИБЛИЙ

Ўзининг таъкидлашича, йигирма йил турли ровийлардан ҳадис ёзиб олиш, йигирма йил фиқҳ асосларини ўрганишга умр сарфлаган. Шиблийга ҳадисларни Муҳаммад Ибни Бассорийдан ривоят қилган. Кейинчалик эса Абубакр Абҳарий, Абубакр Розий, Абусаҳл Саълуний, Хусайн бинни Аҳмад Саффоф ва бошқалар ундан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳақ йўлига ўта берилгани ҳамиша илоҳий шавқ даражасида юргани учун халқ уни телба деб, бир неча бор жиннихонага олиб бориб ташлаганлар. Лекин уни барча буюкларнинг буюги деб эътироф этишган. Абдураҳмон Суламий, Абулқосим Каширий сингари сўфизм донишмандлари Шиблийнинг ноёб фазилат ҳамда хислатлари ҳақида ғаройиб ҳикоятлар ёзиб қолдиришган. Нақл қилишларича, кунлардан бир куни Шиблийни икки учида оташ ловиллаётган чўб кўтариб бораётганини кўриб қолишибди.

– Ҳой Шайх, бу оловлар билан нима қилмоқчисан, – сўрашибди халқ.

– Бу оташнинг бири билан дўзахни ёқаман, иккинчиси билан эса жаннатни куйдираман, токим халқ Оллоҳ номи билан яшайдиган бўлишсин, – жавоб берибди Шиблий.

Навоийнинг таъкидлашича Жўнайд «ҳар бир қавмнинг тожи бор, бу қавмнинг тожи эса Шиблийдир», деган экан.

Шайхдан кўплаб китоблару ҳикматлар қолган. Шиблий 956 йили 87 ёшида вафот этган. Унинг ҳоки Бағдод яқинидаги Ҳизрон қабристонидадир.

Хўжанд атрофи, Ўратепа ҳамда Тошкент вилоятида Шиблий номидаги мавзелар, қишлоғу гузарлар учраши ҳам бу буюк донишманднинг Мовароуннаҳрдан эканлигини тасдиқлайди.

* * *

Шиблий Абдураҳмон Хуросонийга айтди: Эй Хуросоний, Шиблийдан ўзгани ёлғиз Оллоҳ деганини эшитдингми? Хуросонлик айтди: Мен бирон кун Шиблийнинг Оллоҳ деганини эшитмадим. Шиблий беҳуш бўлиб йиқилди.

* * *

*Жума ўгитлари*

Абдураҳмон Хуросоний дебдурки, биров Шиблий уйига келди ва эшик қоқди. Шиблий бош-оёқ яланг эшик кейнига келиб сўрдиким: кимни тилайсен? Деди: Шиблийни. Шиблий дедиким (кофир бўлиб ўлди, Оллоҳ унга раҳм қилмади).

* * *

Ва дебдурки, зоҳир кўзни ҳаромлардан, ботин кўзни Оллоҳдан бошқасига назар солишдан асранг.

* * *

Шиблийдан сўрадилар: Қайси нима ажаброқ? Деди: ул кўнгилки Тенгри таолосини танигай ва анга осий бўлғай.

* * *

Анга дедилар, хўш семизсен ва муҳаббатеки сен даъво қилурсен, тақозои семизлик қилмас. Дедиким, қалбим ишқибозлик қилди, таним бехабар қолди. Агар хабардор бўлганда семирмас эди.

* * *

Шиблий мавт маризидин бир жума куни ўзида хуффат кўрди. Бакирға дедиким, масжидға мани тегур. Ул қўллаб элтурди биров йўлиқди. Шиблий дедики, тангла бу киши бирла ишимиз бор.

Бакир дебдурки, номоз қилиб келган оқшом Шиблий дунёдин ўтди. Тангласи манга дедиларким, фалон маҳаллада бир солиҳ бор. Анинг ғусли учун ул кишини келтурмак керак. Ул кишининг уйини топиб эшик қоқдим. Эшик кейинига келиб сўрдиким: Шиблий ўлдими? Мен таажжуб бирла сўрдимки, қайдин билдингки Шиблий ўлди? Ул дедиким, эй нодон, ул қайдин билиб эрдиким манинг бирла иши бор бўлғусидир. Эшик очқоч кўрдим, ҳамул киши эрдики буруңки кун Шиблий деб эрдики, тонгла анинг била ишимиз бор.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлади**

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоаси бўлим мудири Заҳро Раҳимовага бувиси **САЛОМАТ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

*Ойбек номидаги метро станцияси ёнидаги Жанубий Корея элчихонаси ва «Ўзбегим» супермаркети оралиғида жойлашган офис ёки кафега мўлжалланган 289 квадрат метрли бино*
**СОТИЛАДИ**
**Мурожаат учун тел: 111-37-73**

**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 116 1 2 3 4 5